

”ТАСДИКЛАЙМАН”

“ТОМОША” БМТС харид  
комиссиясининг раиси



Н.С.Курбанова

Театр томошабинлар залида овоз кучайтириш  
ва овоз чиқариш ускуналари ижарага олиш бўйича

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Тошкент - 2022 й.

## 1. Кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятлари ва кўлами.

1. Театр томошабинлар залида овоз кучайтириш ва овоз чиқариш ускуналари (кейин овоз техника) ижарага олиш техник кўрсатмалар қуйида рўйхатдан иборат бўлиши лозим:

- а) театр зали 377 ўриндиқга эга, ва шунга мос етарли овоз кучайтириш техника қувватини ҳисоблаш;
- б) спектакль жанрдан келиб чиққан ҳолатда сахнада бўлиши лозим овоз кучайтириш техника сонини аниқлаш ва жонли ижро учун спектакль қахрамонларига ҳар битгасига радио микрофон тақдим этиш;
- в) спектакльда бир вақтнинг ўзида фойдаланиётган радио ва симли микрофонлар сонидан келиб чиққан ҳолатда бошқариш учун микшер пульти етарли кириш/чиқиш (in/out) билан жиҳозланган зарур;
- г) техникани созлаш ва репетиция жараёнида тайёр бўлган ҳолатда ўтказиш;
- д) тўғридан тўғри овоз ёзиш компьютерга (ноутбукга) шароит яратиш.

2. Овоз техникаси, талабига мос таниқли Европада ишлаб чиқариётган фирмаларидан бўлиши шарт (*Audiofocus, Electro Voice, Meyer sound, SHURE, AKG, DPA, Sennheiser, L-Acoustics, Dynacord, Behringer, Allen & Heath*).

2.1. Қуйида театрнинг овоз муҳандиси кўрсатмаси бўйича овоз ускуналари рўйхати келтирилган:

- а) томошабинлар зали овоз кучайтириш техникаси: актив паст частотали карнай (колонка) 4 дона умумий куч билан 2000 ватт, жумладан кабель комутацияси билан.
- б) сахнага актерлар учун актив акустик овоз колонка (мониторлар) 4 дона, ҳар бири 600 ватт қувватга эга, жумладан кабель комутацияси билан.
- в) бир дона микшер пульти 32 микрофон кириш, 4та стерео кириш, 6та аукс чиқиш ва эффектлар ( Mic/Line+ 4 Stereo, 6 x AUX, FX-процессор).
- г) 12та радио микрофон қабул қилувчи базаси билан, жумладан кабель комутацияси билан.
- д) 10та бош радио микрофонлар ва 10та қабул қилувчи, жумладан кабель комутацияси билан.
- е) 30та ҳар хил модель симли (кабель орқали ишлайдиган) микрофонлар мусиқа асбоблар учун.

### 3. Иш жойи ва вақти

3.1. "Буюртмачи"нинг овоз техника ижарага бериш ишлари, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси 32 А уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг тизимидаги "Томоша" болалар мусиқий театр-студияси" биносида амалга оширилади.

3.2. амалга ошириш муддати - Шартнома тузилган кундан бошлаб, 10 календар кун ичида тайёр бўлиши керак.

3.3. Овоз техникани ўрнатиш ва созлаш "Буюртмачи"нинг иш вақти давомида амалга оширилади. Иш вақти дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, соат 9:00 дан 18:00 гача (5/7). Театрга кириш санаси ва вақти Буюртмачи билан олдиндан келишиб олинади.

### 4. Бошқа шартлар

4.1. Байрам, дам олиш ва таътил кунларида, шунингдек, куннинг қоронғу вақтларида овоз техникасини ишлатиш учун фирма томонидан маъсул ходимнинг "Ишонч телефони" мавжудлигини таъминланиши шарт.

4.2. Фирманинг маъсул ходими ишонч телефонлари 24/7 давомида ишлашини ҳамда камида бир киши ишонч телефонига хизмат курсатишини таъминлаши шарт.

4.3. Фирманинг маъсул ходими ишонч телефонлари рўйхатини Буюртмачига шартнома тузилгандан сунг берилишини таъминлаш ҳамда телефон рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотни бир иш куни давомида Буюртмачининг вакилларига етказилиши таъминлаш.

4.4. Овоз техникасини ўрнатиш пайтида бирорта нохуш ходиса руй берганда бартараф этиш юзасидан Буюртмачининг ваколатли вакилидан телефон орқали ариза (буюртма) келиб тушганда, вакили объекта кечиктирмасдан етиб келишини таъминлаш.

4.5. Техник хизмат курсатишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

4.6. Кўрсатилган хизматларнинг натижасини қабул қилиш, учун далолатномасини имзолаш орқали амалга оширилади. Маъсул буюртмачига кўрсатилган хизматлар учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатномани ва ҳисоб-фактурани тақдим этади. Агар декорацияларни ясаш самарали бажарилган бўлса ва Буюртмачида ҳеч қандай шикоят бўлмаса, кўрсатилган хизматларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзоланади.

